

ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА CAVILAM ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ ТАТБИҒИ ВА АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-26-125-129>

Назирова Шукрия Миадовна

ТошДШУ Хитойшунослик олий мактаби доценти., PhD

Тел: +99890 97 1989110,

e-mail: doston088@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада хитой тилини ўқитиш жараёнида француз тилини интенсив ўргатишнинг умум эътироф этилган CAVILAM интерфаол усулларининг татбиғи, уларнинг самараси ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В данной статье речь идет о применении и эффективности общепризнанных интерактивных методов школы “CAVILAM” предназначенного для интенсивного обучения французского языка в обучении китайского языка

Калит сўзлар: хитой тили, ўқитувчи, талаба, CAVILAM, таълимнинг интерфаол усуллари, реклама, вазият, субтитрли қисқа метражли кинофильмлар, видеоклип

Ключевые слова: китайский язык, преподаватель, студент, CAVILAM, интерактивные методы обучения, реклама, ситуация, короткометражные кинофильмы с субтитром, видеоклип

Дарс жараёнига технологик ёндашув унинг механизмини, ёки бошқача қилиб айтганда, сценарийсини яратишдан бошланади. Дарс босқичларида бир неча интерфаол усулдан фойдаланиш мумкин ва ҳар бир босқичга вақт ажратишда фойдаланиладиган интерфаол усулнинг шу вақтга мослигини ҳам инобатга олиш керак. Бу жараён дарс машғулоти ташкил этиш дейилади. Маълум фан бўйича ташкил этилган дарс машғулотлари бир-бири билан уйғун ҳолда бўлмоғи даркор. Бу уйғунлик тақвимий иш режада ўз аксини топиши лозим, яъни дарс берувчи ўқитувчи йил бошида қайси дарсда қайси интерфаол усулдан фойдаланишни режалаштириб қўйиши лозим. Ўзаро уйғун дарс машғулотларини ташкил этиш, айти пайтда, ўқитувчидан ҳам ижодкорликни, педагогик маҳоратни, юқори билим ва малакани талаб этиш билан бирга, тадбиқ этакжак усулларнинг самарадорлигини билиш, уни миқдорий жиҳатдан баҳолай олишни ҳам талаб этади. Бунинг учун дарс

жараёнида бериладиган билим миқдорини, уни ўқувчиларга қай тарзда узатилишини ва ўзлаштирилган билим миқдорини билиш талаб этилади. Билим миқдори давлат таълим стандартига асосан белгилаб олинади, билимни узатиш механизми ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади ва билимни ўзлаштириш талабалар билимини баҳолаш орқали назорат қилиб борилади. Дарс механизмида ахборот миқдори сақланади. Ахборот ҳам соддалаштирилган ва такрорланувчан (масалан, “Бумеранг” усулида), мураккаб ёки муаммоли (“Ақлий хужум”, “Мунозара” усулларида), тўғридан-тўғри тарзда узатилади. Ўқувчилар соддароқ ифодаланган билимларни бир неча бор такрорлашда яхши ўзлаштириши амалиётда тасдиқланган, мураккаб тарзда ифодаланган билимни бир неча бор такрорлашда ўзлаштири олмайдди, лекин унга муаммо сифатида қараб, унинг ечимини топиш учун босқичма-босқич ёндашиш орқали ўзлаштириши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўқувчида фундаментал билимлар бўлиши керак, бундай билимларни тўғридан-тўғри қонун қоида, тартиб, асосий тушунча шаклида ўзлаштиради.

Интерфаол таълим усуллари Ўзбекистонда қадим замонлардан бери таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар, ўқувчилар билан ўқувчилар ўртасидаги мулоқотларда муҳокама, мунозара, музокара, мубоҳаса, мушоҳада, таҳлил, машварт, мушоира, мутолаа каби шаклларда қўллаб келинган. Бу усуллар ўқувчиларнинг нутқ, тафаккур, мулоҳаза, зеҳн истеъдод, заковатларини ўстириш орқали уларнинг мустақил фикрлайдиган, комил инсонлар бўлиб етишларига хизмат қилган.

«Интерфаол» тушунчаси инглизча «interact» сўзидан олинган. («inter» – «биргаликда», «act» – «ҳаракат қилиш»). Интерфаол ўқитиш – бу когнитив фаолиятни ташкил этишнинг махсус туридир. Унда тўлиқ, аниқ ва режалаштирилаётган мақсадлар бўлади. Ушбу мақсадлардан бири – ўқитиш жараёнида шундай юқори даражадаги шароит яратиш керакки, унда тингловчи ўқитиш жараёнини продуктив жараёнга айлантирувчи ўзининг муваффақияти, интеллектуал даражасини англаб етиши лозим.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари муаммоларни аниқлаш, маълумотларни анализ қилиш, муаммоларни ҳал қилиш учун имконият ва чоралар топа олиш, аниқ мақсадларни ривожлантириш мақсадга эришиш учун стратегия ишлаб чиқишни билиш, шунингдек бамаслаҳат қарор қабул қилиш, далилларга асосланган ҳолда ишонтира билиш ва суҳбатдошини эшита олиш қобилиятига эгадир.

Хитой тилини ўргатишда CAVILAM¹ методлари 3-4 курсларда жуда асқотади, чунки бу курс талабалари грамматик билимларга эга, лексик бойлиги етарли ҳолда бўлади. Методларнинг энг соддаси ва анъанавийси-ўқитувчи доскага 5-6 та бир-бирига мантқан боғланиши қийин бўлган сўзларни ёзади ва улар ёрдамида кичкина ҳикоя тузишни таклиф этади. Талабалар бу вазифани 15 дақиқа давомида уддалашлари зарур, сўнгра ҳар бир талаба ўз ҳикоячасини ўқиб беради ва унга яраша баҳо олади, бу ерда олий ҳакам, албатта ўқитувчи.

Иккинчи метод, ўқитувчи талабаларга бирор маҳсулотни реклама қилишини таклиф қилади ва энг яхши реклама учун юқори балл ваъда қилади. Реклама қилинаётган маҳсулот табиий ҳолда ёки суратларда берилади, бунинг учун ҳам 15 дақиқа вақт берилади. Талабалар маҳсулотни мақтайдилар, мақтов жараёнида оммабоп, қизиқарли сўз ва сўз бирикмалари ишлатилади. Қайси рекламанинг яхши чиққанини ўқитувчининг ўзи ёки талабалар ичидан сайланган жюри аъзолари эълон қилади.

Хитой тилини ўрганишда коммуникатив усуллардан фойдаланиш катта самара беради. Хитой тилини ўқитиш методологиясидаги яна бир методнинг моҳияти шундан иборатки, унда ўқитувчи 5-6 та вазиятларни билет шаклида талабаларга танлаш учун беради. Вазиятлар турли мавзуларни ўз ичига олади. Масалан, бировнинг уйига ўғри тушди, бировни автомобил уриб кетди, кимдир касал бўлиб қолди, кимдир бегона юртга келди, у тил билмайди ва ҳ.к. Бу мавзуларда 3-5 нафар талаба, ҳатто бир гуруҳ иштирок этиши мумкин. Масалан, бировнинг уйига ўғри тушиб, унинг қимматбаҳо нарсаларини ўғирлаб кетган. Сухбатда қатнашувчилар: жабрланувчи, терговчи, гувоҳлар. Талабалар ролларни ижро этиб, мулоқотга киришадилар, бошқа талабалар эса, репликалари билан иштирок этадилар. Ёки биров бегона давлатга боради, лекин тил билмайди, бунда талабалардан 3 таси иштирок этади. Уларнинг бири таржимон бўлади ва мулоқотда бўлишади. Бошқа талабалар ўзларининг қўшимча савол ва тушунтиришлари билан сухбатга қўшилишади.

Мазкур методларни техник воситалар билан амалга ошириш жуда катта фойда келтиради. Телевизор, компьютерда бир кичик сюжет кўрсатилади, ундаги деталлар алоҳида сўралади, бунда қайси талаба кўп ва тўлақонли жавоб берса, унинг рейтинг балли ошади. Субтитрли қисқа метражли кинофильмларни таҳлил қилиш ҳам жуда қизиқарли, бунда барча талабалар фаол иштирок этадилар. Айниқса, Хитой шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари намойиш

¹ CAVILAM усуллари – француз тилини интенсив ўқитишда қўлланиладиган усуллар

этилганда, гуруҳда жонланиш юз беради, чунки экрандаги нарсалар 4 йил давомида бир неча марта такрорланган бўлади.

Интерфаол методлардан яна бири видеоклипларни шарҳлаш. Мазкур метод юқори курс талабалари билан амалий сўзлашув дарсларида амалга оширилади. Одатда хитой кўшиқлари учун тайёрланган видеоклипларда ашула субтитрларда берилади ва жуда узоқ давом этади. Дастлаб талабалар ашулани диққат билан эшитадилар, сўнгра видеоклип мазмунига аҳамият берадилар, клип бир дарс давомида 5-6 марта қайта-қайта кўрилади ва эшитилади. Сўнгра талабалар навбат билан ўз фикрларини баён этадилар. Мунозара эркин бўлади, репликаларга кенг ўрин берилади, ашула матни ҳам баъзи бир талабалар томонидан ёд олиниши мумкин. Клипдаги ҳар бир эпизод алоҳида таҳлил қилинади, ундаги рангдан тортиб то кийим-бошларгача талабалар мунозарасида бўлади. Бу методнинг афзал томони шундаки клипдаги ҳар бир детал талабалар диққатидан четда қолмайди, бу дегани янги сўз, ибора ва мунозарадир. Мазкур методда ўқитувчи фақат кузатувчи вазифасида бўлади, нари борса маслаҳатчи ёки ҳакам бўлиши мумкин. Талабалар нутқидаги ҳатоларни ўқитувчи тўғрилаши шарт эмас, чунки талабалар эркин мулоқотда репликаларни кўп ишлатадилар, ҳар бир хато айтилган сўз ёки ибора ўша заҳотиёқ тўғриланади.

Видеоклипнинг яна бир афзаллиги- талабалар хитой маданияти, янги ашула жанри ва хитой мусиқаси билан яқиндан танишадилар, уларда французча ашула айтиш кўникмалари пайдо бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган усуллардан фойдаланишда талабалар тезкор фикрлашни, келтириб чиқувчи вазиятларни таҳлил қилишни қисқа ва аниқ ифодалашни ўрганишади. Бунда талабаларнинг қизиқувчанлиги ва фаоллиги ошади. Ўрганиб чиқилган материаллар тўлиқ ўзлаштирилгач, талабаларда билим даражаси, материалларни мустаҳкамлашда фаоллиги, ҳамда керакли материалларни саралаш умумлаштириш даражаси ошади.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, талабалар муаммони ҳал қилиш ва биргаликда текширувларда қатнашиш, гуруҳли мунозара ёки мил ҳужуми усулларининг қатнашчиси бўлади.

Ҳулосалар шуни кўрсатадики, интерфаол усулларни ўрганишни ишлаб чиқариш соҳаларига кўчирганда ҳам ўзини танқидий фикрлашда ва бошқа одамларни тушунишда долзарблигини ва замонавийлигини йўқотмаганлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
2. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
3. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии.- М.: «Гном-Пресс», 1999 г.
4. Н.Н.Азизхўжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т., 2006.
5. Назарова, С. (2022). К ВОПРОСУ О РАЗРАБОТКЕ МЕТОДИКИ ПО РАЗВИТИЮ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ КИТАЙСКОМУ ЯЗЫКУ. *Sharq ta'shali/Vostochnyy fakel*, 14(1), 60-66.
6. Karimov, A. A. (2023). A General Question about Sentence Classification in Chinese.
7. Хасанова, Ф. М. (2020). Лексико-семантический анализ лексики произведений Лао Шэ. *Universum: филология и искусствоведение*, (11 (78)), 31-34.